2016-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш мақсадларига кўмаклашиш бўйича БМТ дастурининг расмий тақдимот маросимида сўзланган нутқ

Галина Саидова,

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазири.

Тошкент ш., «Уиндхэм» меҳмонхонаси – 16.09.2015й.

ҲУРМАТЛИ МАРОСИМ ҚАТНАШЧИЛАРИ!

Рухсат берсангиз, авваламбор, бугунги тадбирни ташкил этишда ҳамкорлик қилаётган БМТнинг Ваколатхонаси ҳамда унинг Ўзбекистондаги барча агентликларига миннатдорчилик билдирсам.

Янги ривожланиш мақсадларига кўмаклашиш бўйича БМТ дастурининг 2016-2020 йилларга мўлжалланган маросим тақдимотини, вазирлик, муассаса ва идораларнинг масъул ходимлари, БМТнинг агентликлари ҳамда бошқа халқаро ҳамкорлик ташкилотларининг вакиллари иштирокида ўтказилиши, БМТнинг Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан келгуси беш йилликда олиб борадиган устувор йўналишларини самарали ва мувофиқлаштирган ҳолда амалга ошириш учун муҳим ҳисобланади.

Бу борада якунланаётган, 2010-2015 йилларга мўлжалланган дастур доирасида БМТ билан олиб борилаётган самарали ҳамкорлигимизни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

БМТ томонидан амалга оширилаётган техник кўмакнинг самарадорлиги ва барқарорлигини таъминлаш учун, авваламбор, янги ривожланиш мақсадларига кўмаклашиш бўйича БМТ дастурининг давлатни устувор вазифалари ва стратегиялари билан уйғунлигини таъминлаш муҳимдир.

Барчангизга хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси Президентимиз Ислом Каримов томонидан таклиф этилган бешта ривожланиш тамойилларига асосланган ривожланиш моделини танлаган. Ушбу моделнинг муҳимлиги шундаки, кучли ижтимоий сиёсат билан бирга босқичма-босқич иқтисодиёт ҳам ривожлантириб борилади.

Ўзбекистон иқтисодиётининг таркибида тобора кичик бинес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси муҳим аҳамият касб этмоқда. Бугун ялпи ички маҳсулотнинг 56,1 % ушбу соҳага тўғри келмоқда, ваҳоланки, бу кўрсаткич 2000 йилда атиги 31 % ни ташкил этган эди. Кичик бизнесни ривожлантириш иқтисодиётимизнинг ўсиши, аҳолининг меҳнат билан бандлиги муаммоларини бартараф этиш ва халқ фаровонлигини юксаклтиришда энг муҳим ва асосий бўғинлардан ҳисобланади.

Шу билан бирга, ижтимоий соҳаларни ривожлантириш, иш ўринларини шакллантириш ва аҳолининг меҳнат билан бандлиги, уй-жой қуриш ва аҳоли

пунктларни ободонлаштириш, таълим жараёни ва соғлиқни сақлашни ислоҳ қилиш ҳамда такомиллаштириш давлат эътиборида бўлган ва доимо шундай бўлиб қолади.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, биз учун энг асосий устувор вазифалардан бири, бу – янги иш ўринларини ташкил этиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, уларнинг даромадларини ошириш масаласи бўлиб қолади.

Қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси ва сифатини оширишда яна бир асосий кўрсаткич, бу – бугунги кунда мамлакатимизда ўтказилаётган ислоҳотлар туфайли қишлоқ аҳоли пунктлари қиёфасининг тубдан яхшиланаётгани, намунавий лойиҳалар асосида якка тартибдаги уй-жой қурилиши кўламини кенгайтирилаётгани, қишлоқда транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма иншоотларининг жадал ривожланаётганидир.

Яна бир бор таъкидлаб ўтаман, бизнинг мақсадимиз – бу иқтисодиётни модернизациялаш ва янгилашда олиб борилаётган ислоҳотни давом эттирган ва чуқурлаштирган ҳолда, мамлакат аҳолисининг турмуш даражаси ҳамда сифатини оширишни таъминлаш, тенглар ўртасида тенг бўлиш – дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашдир.

Биз БМТ агентликларини дунёнинг 160 дан ортиқ давлатларида мавжудлигини ҳамда ушбу дунё тажрибаларини бизнинг мамлакатимизда жорий қилишдаги кўмаклари ва имкониятларини юқори баҳолаймиз ва уларга миннатдорчилик билдирамиз. Янги ривожланиш мақсадларига кўмаклашиш бўйича БМТ дастурининг яна бир фарқли бўлаги бўлиб, мазкур дастур жорий йилнинг 25-27 сентябрь кунлари Нью-Йоркда бўлиб ўтадиган БМТнинг саммитида БМТ аъзо давлатлари раҳбарлари томонидан қабул қилиниши кутилаётган Барқарор Ривожланиш соҳаларининг асосий Мақсадларида акс эттирилгани, деб ҳисоблайман.

Яқиндагина ҳукуматимиз, янги ривожланиш мақсадларига кўмаклашиш бўйича БМТ дастурининг янги Мувофиқлаштирувчи Кенгаши таркибини тасдиқлади, бунга Ўзбекистон томонидан 30 тага яқин вазирлик ва идоралар киритилди. Уйлайманки, бу Ўзбекистон томонидан БМТнинг янги ривожланиш мақсадларига кўмаклашиш бўйича дастурини самарали амалга оширишни йўлга қўйишда катта ёрдам бўлади.

Янги ҳамкорлик дастури доирасида БМТнинг агентликлари билан самарали ҳамкорликни давом эттиришга умид қиламан.

Эътиборингиз учун раҳмат!